



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 25 » ноябрь

№ 744

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари түғрисида

Сув хўжалигида илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, Хоразм вилоятининг тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб сувни бошқариш, унинг ҳисобини юритиш ва ундан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, рақамли ва инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, сув ва ер ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг Хоразм тажриба-ишлаб чиқариш хўжалиги негизида давлат муассасаси шаклида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил қилинсин.

2. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Хоразм вилояти сув хўжалигини ривожлантириш, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича муаммоларни аниқлаш ҳамда устувор илмий-тадқиқот ишларининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш;

сув хўжалигини ривожлантириш, сув хўжалиги обьектларини хавфсиз ва ишончли ишлатиш, сув ресурсларини ҳисобга олиш, уларни оқилона бошқариш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, инновацион ишланмалар, тавсиялар, таклифлар ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан сув хўжалиги обьектлари, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш,

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш, ишлаб чиқилган инновацион ишпланмалар, тавсиялар, таклифлар ва норматив ҳужжатларни амалиётга татбиқ этиш;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш, грантлар асосида тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий-техник ютуқларни чоп этиш ва тарғиб қилиш;

Марказнинг илмий салоҳиятини ошириб бориш, лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан бутлаш, бино ва иншоотларни техник соз ҳолда сақлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

### 3. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот марказининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Марказ директори Хоразм вилояти ҳокимининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг тавсиясига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

бир ой муддатда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган синов-тажриба бўлимининг бино ва иншоотлари, ҳудуди ва моддий-техника базасини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда тегишли экин-тажриба майдонлари билан биргаликда Марказга белгиланган тартибда ўтказиб берсин;

икки ой муддатда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан биргаликда Марказни белгиланган тартибда малакали раҳбар ва мутахассислар билан таъминлашни ташкил қиласин.

6. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Марказнинг бино ва иншоотларини сақлаш ҳамда ходимлар (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотлар грантлари;

хизмат кўрсатишдан олинадиган даромадлар, шунингдек, қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ходимларига республика илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рафбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

Марказнинг бино ва иншоотларини сақлаш ҳамда ходимлар (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини молиялаштириши 2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

8. Марказ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда соҳага оид мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларни 2021 йилдан бошлаб амалга ошириш бўйича асосланган таклифларни 2020 йил 25 декабрга қадар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига киритсин.

Хоразм вилояти ҳокимлиги Марказ билан биргаликда илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар доирасида устувор илмий лойиҳаларни ишлаб чиқсин ва уларнинг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Ш.М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “25” ноябрдаги 744-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Сув муаммолари илмий-тадқиқот марказининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Жами илмий ходимлар ва муҳандислар 17 нафар.

Ёрдамчи ходимларнинг сони қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга асосан аниқланади.

Илмий-тадқиқот шунларини амалга ошириши учун мутахассислар ва олимлар шартнома асосида қўшимча равиида жалб қилинishi мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “25” ноябрдаги 744-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Сув муаммолари илмий-тадқиқот марказининг  
УСТАВИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хуқуqlари ва жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарлари функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Марказ Хоразм вилоятида сув хўжалигини ривожлантириш, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, инновацион ишланмалар, тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш ишларини амалга оширувчи ихтисослантирилган давлат илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Марказ ўз фаолиятини тегишли давлат бошқаруви органлари, Хоразм вилояти хокимлиги, хўжалик бирлашмалари, ташкилотлар, таълим ва илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган мухрга, логотипига, штамп ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

**6. Марказнинг расмий номи:**

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – “O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Suv muammolari ilmiy-tatqiqot markazi” (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази), қисқартирилган номи – СМИТМ;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Научно-исследовательский центр водных проблем при Кабинете Министров Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – НИЦВП;  
в) инглиз тилида:

тўлиқ номи - Scientific research center of water problems under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – SRCWP.

7. Марказ жойлашган жой (почта манзили): Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Навоий қишлоқ фуқаролар йигини ҳудуди.

## **2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари**

8. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Хоразм вилояти сув хўжалигини ривожлантириш, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича муаммоларни аниқлаш ҳамда устувор илмий-тадқиқот ишларининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш;

сув хўжалигини ривожлантириш, сув хўжалиги обьектарини хавфсиз ва ишончли ишлатиш, сув ресурсларини ҳисобга олиш, уларни оқилона бошқариш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, инновацион ишланмалар, тавсиялар, таклифлар ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан сув хўжалиги обьектлари, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш, ишлаб чиқилган инновацион ишланмалар, тавсиялар, таклифлар ва норматив ҳужжатларни амалиётга татбиқ этиш;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш, грантлар асосида тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий-техник ютуқларни чоп этиш ва тарғиб қилиш;

Марказнинг илмий салоҳиятини ошириб бориш, лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан бутлаш, бино ва иншоотларни техник соз ҳолда сақлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишини таъминлаш.

9. Қуйидагилар Марказнинг асосий функциялари ҳисобланади:

а) Хоразм вилояти сув хўжалигини ривожлантириши, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича муаммоларни аниқлаш ҳамда устувор илмий-тадқиқот ишларининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш бўйича;

Хоразм вилоятининг сув хўжалиги тизими, сув ва ер ресурслари бўйича маълумотлар базасини ташкил қилиш ва янгилаб бориш ҳамда сув хўжалиги

ривожлантириш, сувдан ва ердан фойдаланиш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мавжуд муаммоларни аниқлаб бориш;

сув хўжалигини ривожлантириш, сувдан ва ердан фойдаланиш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратилган устувор илмий-тадқиқот ишларининг қисқа, ўрта ва узок муддатли дастурларини ишлаб чиқиш;

Хоразм вилояти ва туманлар ҳокимликлари, сув хўжалиги ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотлари ҳамда манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан устувор илмий-тадқиқот ишлари бўйича қисқа, ўрта ва узок муддатли дастурларни даврий равища мухокама қилиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

б) сув хўжалигини ривожлантириши, сув хўжалиги объектарини хавфсиз ва ишиончили ишлатиши, сув ресурларини ҳисобга олиши, уларни оқилона бошқариши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини бақсариши, инновацион ишланмалар, тавсиялар, таклифлар ва норматив ҳуқусатларни ишлаб чиқиши бўйича;

Хоразм вилоятининг тасдиқланган устувор илмий-тадқиқот ишлари бўйича қисқа, ўрта ва узок муддатли дастурлар асосида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, унинг тизимидағи сув ташкилотлари, шунингдек, фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотлари ҳамда манфаатдор бошқа идоралар ва ташкилотлар билан устувор илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича белгиланган тартибда тегишли шартномаларни расмийлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловларда фаол иштирок этиш ҳамда тегишли грант шартномаларини расмийлаштириш;

илмий-тадқиқот ишлари ва бошқа хўжалик фаолияти бўйича Марказнинг масъул лабораториялари томонидан шартномавий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

илмий-тадқиқот ишларини замонавий асбоб-ускуналар, халқаро илғор тажриба асосида амалга оширишни таъминлаш, уларнинг ижро ҳолати бўйича тизимли мониторинг олиб бориш ва ҳар чорак якуни билан мухокама қилиб бориш;

илмий-тадқиқот ишларида белгиланган муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий асосланган инновацион ишланмалар, тавсиялар, таклифлар ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиха-қидирав ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатиш ишларида иштирок этиш;

сув хўжалигини ривожлантириш, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича

минтақавий муаммолар ва уларнинг ечими бўйича инновацион ишланмалар, таклифлар ва тавсияларни тайёрлаш ҳамда Вазирлар Махкамасига, манфаатдор вазирликлар ва идораларга киритиш;

*в) Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан сув хўжалиги обьектлари, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳамкорликни ривоҷлантириши, ишлаб чиқилган инновацион ишланмалар, тавсиялар, таклифлар ва норматив ҳуқусатларни амалиётга татбиқ этиши бўйича;*

илмий-тадқиқот ишлари натижасида ишлаб чиқилган инновацион ишланмалар, тавсиялар ва таклифларнинг Хоразм вилояти ва туманлар ҳокимликлари, сув хўжалиги ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотлари ҳамда алоқадор бошқа ташкилотлар раҳбар-ходимлари ва мутахассисларига тақдимотларини қилиб бориш ҳамда билдирилган фикрлар бўйича уларни тақомиллаштириш ва амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриш;

Хоразм вилояти сув хўжалиги ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотлари ҳамда алоқадор бошқа ташкилотлар раҳбар-ходимлари ва мутахассисларининг касбий малакасини оширишда қатнашиш, ҳамкорликда кўргазмали семинарлар ташкил қилиш;

илмий-тадқиқот ишлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқа хўжалик шартномаларини бажариш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишини таъминлаш, маблағларнинг самарадорилигини ошириш юзасидан ҳар бир раҳбар-ходимнинг масъулиятини ошириш ва бошқа чораларни кўриш;

Марказнинг илмий-тадқиқот ва бошқа ишлаб чиқариш фаолияти юзасидан ҳисботларни белгиланган тартибда Вазирлар Махкамасига ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларга тақдим қилиб бориш;

*г) таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиши бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, хориёсий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ҳалқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиши, грантлар асосида тадқиқот ишларини олиб бориши, илмий-техник ютуқларни чоп этиши ва тарзиб қилиши бўйича:*

соҳа бўйича таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан кадрларни тайёрлаш, раҳбар-ходимларнинг малакасини ошириш, ёш олимларни тайёрлаш, ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш;

таълим муассасалари талabalарининг Марказда амалиётини ташкил қилиш, иқтидорли талabalарни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, уларнинг бакалавр ва магистрлик диплом ишларини тайёрлашда кўмаклашиш;

соҳа бўйича таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан сув хўжалигини ривожлантириш, сувдан ва ердан самарали фойдаланиш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича комплекс муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

ривожланган мамлакатларнинг сув хўжалиги бўйича таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, ҳалқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотлар билан белгиланган тартибда мулоқотлар олиб бориш ҳамда эришилган натижалар асосида тегишли грант шартномалари ва келишувларни расмийлаштириш;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан сув хўжалиги соҳасида эришилган ютуқларни тарғиб қилиш бўйича семинарлар ва конференциялар ташкил қилиш;

илмий-техник ютуқларни тизимли равища чоп этиш ва тарғиб қилиш;

Орол денгизини кутқариш ҳалқаро жамгармаси ва унинг таркибий бўлинмалари, Бутунжаҳон сув Кенгashi, Ирригация ва дренаж ҳалқаро комиссияси, Йирик тўғонлар бўйича Халқаро комиссия, Сув ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича Ислом давлатлараро тармоғи ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш;

д) *Марказнинг илмий салоҳиятини ошириб бориш, лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан бутлаш, бино ва иншоотларни техник соз ҳолда сақлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишини таъминлаш бўйича.*

Марказ илмий ходимларининг иш шароитини яхшилаш, замонавий ташкилий техника билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлиги ва бошқа мезонлардан келиб чиқиб уларни рағбатлантириб бориш, уларнинг таълим ва бошқа илмий-тадқиқот муассасаларида, шунингдек, хорижий ташкилотларда малакасини оширишни ташкил қилиш;

Марказ лабораториялари моддий-техника базаси замонавий талабларга жавоб беришини таҳлил қилиб бориш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан бутлаш ҳамда илмий ходимлар учун қулай иш шароитини яратиш;

Марказ бино ва иншоотларини техник соз ҳолатда сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишини таъминлаш;

Марказ лабораторияларининг моддий-техник базасини замонавий асбоб-ускуналар билан бутлаш, бино ва иншоотларни ўз вақтида таъмирлаштиклаш, реконструкция қилиш ҳамда янада ривожлантириш юзасидан асосланган ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, шунингдек, Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим қилиб бориш;

Марказ қонунга зид бўлмаган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **З-боб. Марказнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги**

10. Марказ ўзига юкландган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги хуқуқларга эга:

Хоразм вилояти сув хўжалигини ривожлантириш, сувдан ва ердан самарали фойдаланиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот ишларининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган дастурлари лойиҳаларини, илмий асосланган инновацион ишланмалар, тавсиялар ва таклифларни, минтақавий муаммолар ечимиға қаратилган таклифларни, норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Марказга юкландган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа таклиф ҳамда хужжатларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

ўз ваколатлари доирасида Хоразм вилояти шароитида сув хўжалиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

Хоразм вилояти ва туманлар ҳокимликлари, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ҳамда бошқа давлат органларидан Марказ ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўладиган маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Марказ ваколатига кирадиган масалаларни ўз вақтида бажариш учун манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан тегишли чораларни кўриш;

Марказ ваколати доирасига кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ва Хоразм вилояти ҳокимлигига таклифлар киритиш;

Марказга юкландган вазифаларни бажариш учун илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, лойиҳа ташкилотлари, шу жумладан, хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

Марказ ваколати доирасига кирадиган масалалар бўйича белгиланган тартибда халқаро шартномалар тузиш;

Марказ ваколати доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш, конференциялар ва семинарлар ташкил қилиш;

Марказнинг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзgartiriшлар киритиш;

Марказнинг даромадлар ва харажатлар сметаси ва штат жадвалини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Марказнинг кўчмас мулки ва бошқа турдаги мол-мулкини самарали бошқаришни ташкил қилиш;

биноларга хизмат қўрсатиш, хўжалик инвентарлари ва ашёларини, автотранспорт, алоқа воситалари, ҳисоблаш, компьютер ваофис жиҳозларини сақлаш ва ишлатиш, дастурий таъминотни сотиб олиш учун белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

Марказ фаолиятини кенг ёритиш максадида расмий веб-сайтлар, шунингдек, ижтимоий тармоқларда саҳифалар яратиш;

Марказ тизимиға замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича фаолиятни ташкил этиш.

Марказ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 11. Марказ:

Марказга юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда бир марта таҳлилий материаллар ва илмий асосланган таклифларни тақдим этиб бориш;

Марказ фаолияти тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

Марказ ходимларини қонунчиликда белгиланган тартибда моддий рағбатлантириш, муассасанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли давлат органларига ҳисобот бериш учун жавоб беради.

#### 4-боб. Марказ фаолиятини ташкил қилиш

12. Марказга Хоразм вилояти ҳокимининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг тавсиясига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қиласди.

13. Марказ директорининг ўринбосари – илмий котиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари билан келишилган ҳолда директор буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

14. Марказ директори вақтинча бўлмагандан унинг ваколатларини ўринбосар бажаради.

15. Директор Марказ ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

16. Марказнинг таркибий бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорлик Марказ раҳбарлари томонидан таъминланади.

#### 5-боб. Марказ раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари

17. Қуидагилар директорнинг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларга риоя этиш;

Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Марказга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастур ва тадбирлар ижросини танқидий ва чукур таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари, шунингдек, Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича тегишли вазирликлар ва идоралар, Хоразм вилояти ва туманлар ҳокимликлари билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларини бажариш;

ўз ўринбосари ваколатини ҳамда Марказнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Марказ фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, Марказ ва ўз ўринбосарининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларини бажаришини ташкил этиш бўйича таъсирчан тизимни яратиш ва мониторинг олиб бориш, шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлаш учун комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш;

сув хўжалигини ривожлантириш, сувдан ва ердан самарали фойдаланиш ҳамда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича устувор илмий-тадқиқот ишлари лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, хўжалик ишлари бўйича бошқа шартномалар ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Марказ фаолиятига тегишли соҳалар бўйича илмий асосланган инновацион ишланмалар, тавсиялар ва таклифларни, шунингдек, норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

Марказ ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Марказ тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Марказнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Марказга ишга қабул қилинаётган кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, илмий салоҳиятга, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

Марказ раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ташкил этиш;

ўз ўринbosари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, унинг шахсий ҳисботларини эшитиш, унинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

Марказ ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринbosарини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш;

Марказ ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Марказ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Марказ тизимида коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳукуқни қўллап амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниqlаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишига доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг расмий ҳужжат ва топшириклари бажарилишини ташкил қилиш ва мониторингини олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлап чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан Марказ

фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш учун комплекс амалий чораларни амалга ошириш бўйича чоралар кўриш.

давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Марказ фаолиятига оид илмий-тадқиқот ишлари бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Марказнинг штат жадвалини тасдиқлаш;

зарур назарий билим ва амалий кўнилмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Марказ ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва йўриқномаларни қабул қилиш;

ўз ўринбосари ваколатларини белгилаш, лаборатория мудирларининг Марказ фаолиятининг алоҳида қисмларига раҳбарлик қилиши учун уларнинг шахсий масъулияти даражаларини белгилаш;

Марказ директорининг ўринбосари – илмий котиб ва таркибий бўлинмалар бошлиқларининг ҳисоботларини эшлиши;

Марказ ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантириш шаклларини ҳамда лавозим маошларига устама ва қўшимча тўловларни белгилаш, ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича буйруқлар чиқариш, зарур бўлганда уларни интизомий жазога тортиш масалаларини ҳал қилиш;

Марказнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, бўлим бошлиқлари ва ходимларнинг функционал вазифаларини тасдиқлаш;

ҳар йили 25 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Марказ тадбирлари календарь режасини, илмий-тадқиқот лойиҳаларининг мавзули режаларини шакллантириш ва тасдиқлаш;

Марказнинг ҳисоботларини тасдиқлаш;

Марказнинг даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Марказнинг активларини тасарруф этиш, мол-мулкни бошқариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, молиявий, тўлов, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларни имзолаш, зарур ҳолларда Марказ ходимларига ишончномалар бериш;

Марказ номидан юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлари билан шартнома ва меморандумлар тузиш;

Марказ номидан шартномалар ва бошқа битимларни белгиланган

тартибда расмийлаштириш ва ижросини таъминлаш;

ходимларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномалари тузиш, ўзгартириш ва амал қилишини тўхтатиш, буйруқлар чиқариш, қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар бериш;

илмий-тадқиқот ишлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ва инновацион таклифларни амалиётга жорий қилиш ишларининг манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда ўз вақтида ижросини таъминлаш чораларини кўриш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда Марказнинг молия-хўжалик фаолияти, шартномаларнинг бажарилиши ва барча хизматлар бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш;

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган тарзда халқаро ҳамкорлик ишларини ташкил қилиш;

Марказ директори қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Қўйидагилар директор ўринbosари – илмий котибнинг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳукуқий хужжатларга риоя қилиш ҳамда Марказ таркибий бўлинмалари ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

устувор йўналишлар бўйича лабораториялар томонидан бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион ишланмаларнинг йиллик ҳамда истиқболга мўлжалланган мавзулар режалари бўйича таклифлар тайёрлаш, тасдиқланган мавзулар режаси ўз вақтида ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштириш, шунингдек, Марказ бўйича илмий ҳисбот тайёрланишини ташкил этиш;

илмий кенгаш иш режалари лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиқланган иш режалар ижросини назорат қилиш, илмий ишларни нашр этиш режаси бўйича таклифлар тайёрлаш, уларни тақриздан ўтказиши таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси хужжатлари ва топшириқларининг ижросини таъминлаш, Марказ директори томонидан белгиланган ижро интизомини мустаҳкамлаш учун комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, ходимларнинг қонун хужжатларида белгиланган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариши юзасидан шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

Марказ директори буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиласиган таркибий бўлинмаларнинг иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун Марказ директорига киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юклangan вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ваколати доирасига кирадиган масалалар бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Марказ директорига киритиш;

Марказ таркибий бўлинмаларига кадрларни танлаш ва тайинлашда Марказ директорига таклифлар киритиш, ўзи мутасаддилик қиласиган таркибий бўлинмаларга ишга қабул қилинаётган кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий сифатлари кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинмаларда устувор илмий-тадиқот ишлари бўйича лойиҳалар натижаси асосида тавсиялар, инновацион таклифлар ва норматив ҳужжатлар ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

Марказга тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўз ваколати доирасида тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш ва Марказ директорига таклифлар киритиш;

Марказ раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ташкил этиш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Марказ таркибий бўлинмалари ходимларининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, уларнинг ҳисботларини йигилишларда эшлиши, якунлари бўйича Марказ директорига таклиф киритиш;

Марказ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Марказ директорининг ўринбосари – илмий котиб қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

19. Марказ таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари қуидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимларига бевосита раҳбарлик қилиш, бўлинмага юклangan вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси хужжатлари ва топшириқларининг ижросини таъминлаш, Марказ раҳбарияти томонидан белгиланган ижро интизомини мустаҳкамлаш учун комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, ходимларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

Марказ раҳбарияти буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиласидиган таркибий бўлинма ходимларининг иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун белгиланган тартибда тегишли раҳбарга киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ваколати доирасига кирадиган масалалар бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун тегишли раҳбарга киритиш;

ўзи мутасаддилик қиласидиган таркибий бўлинмага кадрларни танлаш ва тайинлашда тегишли раҳбарга таклиф киритиш, таркибий бўлинмага ишга қабул қилинаётган кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, илмий салоҳияти, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий сифатлари кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмада кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинма томонидан устувор илмий-тадқиқот ишлари бўйича лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда илмий асосланган тавсиялар ва инновацион таклифларни ишлаб чиқиш;

таркибий бўлинмага тақдим этилган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ўз ваколати доирасида тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш ва тегишли раҳбарга таклифлар киритиш;

ходимларнинг хизмат сафарларини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ташкил этиш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб

чиқиши бўйича самарали ишларни ташкил этиш;

таркибий бўлинма ходимларининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, таркибий бўлинма ҳисоботларини раҳбариятга тақдим этиш ва раҳбарият кўрсатмаларига мувофиқ фаолиятни такомиллаштириш бўйича зарур чоралар кўриш;

таркибий бўлинма ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини таъминлаш.

## **6-боб. Марказ раҳбарларининг жавобгарлиги**

20. Директор:

Марказга юкландган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Уставнинг 17-бандида кўрсатилган ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

21. Директор ўринbosари – илмий котиб ва таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари:

тегишли таркибий бўлинмаларга юкландган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши учун;

ушбу Низомнинг 18 ва 19-бандларида кўрсатилган ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

## **7-боб. Марказ ва унинг ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари**

22. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланади.

23. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳо Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари томонидан тасдиқланадиган Марказ фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

24. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Марказ раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Марказ фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

25. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## **8-боб. Марказ фаолиятини молиялаштириш**

26. Куйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Марказнинг бино ва ишоотларини сақлаш ҳамда ходимлар (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотлар грантлари;

хизмат кўрсатишдан олинадиган даромадлар, шунингдек, қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

27. Марказга бириктирилган ва унинг оператив бошқарувида бўлган мулк Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки ҳисобланади.

Марказ мол-мулки унга давлат томонидан белгиланган тартибда оператив бошқарув ҳуқуқи билан биркитилган мулкдан иборат бўлиб, Марказнинг ўз фаолиятидан олинган даромадларидан, шунингдек қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Марказ мол-мулкини сотиш, бошқа юридик шахсларга бериш ёки унинг шаклини ўзгартириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Хўжалиқ, илмий-техник фаолиятдан тушган даромадлар ҳисобига сотиб олинган мулк ва воситалар Марказ мулки ҳисобланади.

29. Барча илмий-тадқиқот материаллари, шунингдек, тузилган шартномаларга мувофиқ бажарилган ишлар бўйича материаллар Марказ фаолиятининг интеллектуал мулк объектлари ҳисобланади.

30. Марказ директори белгиланган иш ҳақи фондини тежашдан ҳамда бюджетдан ташқари тушган, шунингдек, ходимларнинг тасдиқланган штатлар жадвалида назарда тутилган штат бирликлари етишмаслигидан иқтисод қилинган маблағлардан ходимларни моддий рағбатлантиришда, Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда фойдаланишга ҳақлидир.

31. Марказ ходимларига республика илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

32. Марказ ходимларининг олдинги иш жойида олган узоқ муддат узлуксиз меҳнати учун қўшимча ҳақлари ва устамалари сақлаб қолинади.

33. Марказ директори Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда вазифаларини ташаббус кўрсатиб ва вижданан бажарган ходимларни рағбатлантириш мақсадида уларга белгиланган тартибда Марказнинг ўз маблағлари ҳисобига лавозим маошининг 100 фоизигача миқдорда ойлик устамалар белгилашга, ҳар чоракда мукофотлашга, моддий ёрдам тайинлашга ҳақли.

34. Марказ Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ва фуқаролар хукуқларига риоя қилишни ҳамда шартномавий мажбуриятларни бажариш бўйича жавобгарликни ўзига олади.

35. Марказ бухгалтерия ва оператив ҳисоб-китоб ишларини юритади ва белгиланган муддатларда давлат статистика муассасалари ва юқори ташкилотларга амалдаги қонунчиликда белгиланган шаклларда ҳисботлар беради.

#### **9-боб. Якунловчи қоидалар**

36. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

37. Ушбу Устав талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил **25 ноябр**даги **744**-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил қилиш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

T/р	Устувор вазифалар, амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбай	Масъуллар
<b>I. Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази моддий-техник базасини мустаҳкамлаш</b>				
1	Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг Хоразм вилояти Хонқа туманидаги “Навоий” ҚФЙ худудида жойлашган синов-тажриба бўлнимининг бино ва иншоотлари; худуди ва моддий-техника базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда тегишли экин-тажриба майдонлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот марказига (кейинги ўринларда – Марказ) оператив бошқарув ҳукуки билан белгиланган тартибда ўтказиш.	2020 йил 15 декабргача		Хоразм вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
2	Марказнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш, илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш ҳамда мебель ва бошқа жиҳозалар билан бутлаш бўйича ҳисоб-китобларни Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тақдим қилиш.  Марказнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш, илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш ҳамда мебель ва бошқа жиҳозалар билан бутлаш лойиҳасини 2021 йил манзилли дастурига киритиш.	2020 йил 20 декабргача		Хоразм вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ
3	Марказнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш, илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш, замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ҳамда мебель ва ташкилий техника билан бутлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чикиш ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш.	2021 йил 1 марта	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети,	Марказ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги

Т/р	Устувор вазифалар, амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъуллар
4	Марказнинг бино ва иншоотларини реконструкция килиш ва қуриш, илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш ҳамда мебель ва бошқа жиҳозалар билан бутлаш бўйича лойиҳани белгиланган тартибда молиялаштириш.	2021 йил	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Хоразм вилояти маҳаллий бюджети	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Марказ
5	Марказ фаолияти учун талаб этиладиган автотранспорт воситалари ва бошқа техника бўйича асосланган ҳисоб-китобларни Молия вазирлигига тақдим қилиш. Автотранспорт воситаси ва бошқа техникани харид килишни белгиланган тартибда молиялаштириш.	2020 йил 20 декабргача  2021 йил 1 апрелгача	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети	Хоразм вилояти ҳокимлиги, Марказ  Молия вазирлиги
6	Марказ илмий-тадқиқот лабораториялари учун талаб этиладиган замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг рўйхатларини ишлаб чиқиш ва молиялаштириш учун Молия вазирлигига, Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига белгиланган тартибда тақдим қилиш. Марказ илмий-тадқиқот лабораториялари учун талаб этиладиган замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозларни харид қилишни белгиланган тартибда молиялаштириш.	2020 йил 25 декабргача  2021-2022 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, халқаро молия институтларининг грант маблағлари	Хоразм вилояти ҳокимлиги, Марказ  Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
7	Таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда Хоразм вилоятидаги олим ва мутахассисларни ўрганиш, улар билан сұхбатлар ўтказиш ҳамда Марказни белгиланган тартибда малакали раҳбар ва мутахассислар билан бутлаш.	2020 йил 25 декабргача		Хоразм вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
8	Хоразм вилояти бўйича олдинги йилларда амалга оширилган соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари бўйича илмий ҳисботлар Марказга ўтказиб берилишини таъминлаш.	2020 йил 10 декабргача		Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Т/р	Устувор вазифалар, амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъуллар
<b>II. Марказнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил қилиш</b>				
9	Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида: қишлоқ хўжалиги экинларининг сув истеъмолини мақбуллаштириш ва суғориш техника хамда технологияларини такомиллаштириш; шўрланган ерлар иккиласми. шўрланишининг олдини олиш ва уларни тиклаш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини илмий асосланган ҳолда танлаш бўйича комплекс мелиоратив чоратадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан илмий-тадқиқот ва тажрибаконструкторлик ишларини амалга ошириш учун тажриба-экспериментал участкасини ташкил этиш.	2020-2021 йиллар	Танлов натижаларига кўра илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар	Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
10	Хоразм вилоятининг турли мелиоратив шароитларида томчилатиб суғориш тизимлари учун суғоришни автоматик бошқариш модулини яратиш ва амалиётга жорий этиш.	2020-2022 йиллар	Танлов натижаларига кўра илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар	Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
11	Суғоришнинг турли гидрогеологик шароитларда ўзгаришининг компьютер моделини тузиш орқали мониторинг тизимини ишлаб чиқиш.	2020-2022 йиллар	Танлов натижаларига кўра илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар	Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
12	Сув танқислиги шароитида суғориладиган ерларнинг сув-туз баланслари ва сув-туз режимларини прогнозлаштиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2020-2022 йиллар	Танлов натижаларига кўра илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар	Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
13	Сувни тежайдиган суғориш технологияларини Хоразм вилояти шароитида лойиҳалаш ва қуриш бўйича “стартап” лойиҳаларга таклифлар тайёрлаш. “Стартап” лойиҳаларни танлов натижаларига мувофиқ белгиланган тартибда молиялаштириш.	2021-2022 йиллар 2021-2022 йиллар	Танлов натижаларига кўра илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар	Марказ, Хоразм вилояти ҳокимлиги  Инновацион ривожланиш вазирлиги, Марказ

Т/р	Устувор вазифалар, амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбай	Масъуллар
<b>III. Рақамлаштириш ва инновацион технологияларни жорий этиш</b>				
14	Рақамли ва инновацион технологиялар усулларини қўллаб ирригация тизими каналлари ва насос станцияларининг ишончли ҳамда хавфсиз ишланинг модели ва алгоритмини яратиш.	2021-2023 йиллар	Танлов натижаларига кўра илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар	Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
15	Геоахборот технологиялари, маълумотлар базаси ва йўлдош ҳамда дрон ёрдамида сугориладиган ерларнинг шўрланишини аниклаш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича мониторинг тизимини яратиш.	2021-2023 йиллар	Танлов натижаларига кўра илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар	Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
16	Марказнинг Хонқа туманидаги полигонида рақамли ва инновацион технологияларга асосланган “Дала-сугориш технологияси-сугориш тизими” Smart технологиясини жорий этиш.	2021-2023 йиллар	Танлов натижаларига кўра илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар	Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
17	Вилоят сув хўжалиги тизимида рақамли ва инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича маълумотлар базасини яратиш.	2021-2023 йиллар	Танлов натижаларига кўра илмий лойиҳаларга ажратилган маблағлар	Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
<b>IV. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш</b>				
18	Марказ илмий-тадқиқот лабораторияларини замонавий инновацион илмий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича чет эл грант лойиҳаларини жалб этиш.	2021-2025 йиллар	Халқаро молия институтларининг грантлари	Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ
19	Марказ ходимларининг чет элдаги нуфузли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малакасини ошириш.	2021-2025 йиллар	Халқаро молия институтларининг грантлари	Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Марказ

T/p	Устувор вазифалар, амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъуллар
20	Сув хўжалигининг замонавий илмий-техник муаммолари мавзусида халқаро илмий-амалий анжуманларни ташкил қилиш.	2021 йил ноябрь, 2022-2025 йиллар жадвал бўйича	Халқаро молия институтларининг грантлари	Сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Марказ

